XALQ DEPUTATLARI SHAHRIXON TUMAN KENGASHI QARORI

171600, Andijon viloyati Shahrixon tumani Shox ko'cha 4-uy

2023 - yil 15 - mart VI-33-13-1-28-K/23 Shahrixon tumani hokimligi

Шаҳрихон туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил бошидаги эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида" 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли Қонунининг 20-моддасига асосан туман ҳокимлигининг туман маҳаллий бюджетининг йил бошидаги эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиб, Халқ депутатлари Шаҳрихон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шаҳрихон туман ҳокимлигининг туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан тумандаги ижтимоий-иқтисодий тадбирлар Жамғармаларига ҳамда бошқа харажатларга йўналтириш тўғрисидаги таклифлари Иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Раззақов, туман молия бўлими мудири (Д.Бурхонов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон

Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ўтказиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсин.

3. Туман ғазначилик бўлинмасига ажратиладиган маблағлар бўйича шартномаларни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

4. Тумандаги мутасадди ташкилот рахбарлари ажратилган маблағларни мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Раззақов зиммаларига юклатилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Kengash raisi **Х.В.Дадахонов**

Xalq deputatlari Shahrixon tuman
Kengashining
2023 yil 15 martdagi
VI-33-13-1-28-K/23-son qaroriga
1-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил бошига шакилланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан маблағларини йўналтирш

Т А Қ С И М О Т И

Минг сўмда

№	Соҳалар номи	Муассасалар номи	Иш тури	Суммаси
1	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	«Темир дафтари»га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига	208676,0
2	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	«Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига	208676,0
3	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	«Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига	208676,0
4	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	“Ташаббусли бюджет” жамғармасига маблағлар йўналтириш	423351,0
5	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	“Экология ва атроф мухитни мухофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш” Жамғармаси (яшил макон)	27823,0
6	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	Саноат зоналарининг ерлари “Эркин ер” тоифасидан чиқариш харажатлари	37893,0
7	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	Обод қишлоқ Жамғармаси харажатлари	120000,0
8	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	8 март-Хотин қизлар куни ва 21 март – Наврўз байрами тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишга	100000,0
9	Бошқарув орган	Туман хокимлиги	Коммунал тўлов(электр энергияси) харажатлари	20000,0
10	Бошқарув орган	Туман ХДК котибияти	Моддий техник базасини мустахкамлаш(компьютер, кондиционер, телевизор ва веб камера) ва товар-моддий захиралар сотиб олишга	20000,0
11	Бошқарув орган	Туман молия бўлими	Моддий техник базасини мустахкамлаш(компьютер) ва товар-моддий захиралар сотиб олишга	16000,0
	Жами			**1391095,0**